

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar  
fanlarning dolzarb  
muammolari**

Jild 3, Son 6/S  
**2023**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ 5/6 (3)-2023*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### *12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

#### *13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### *19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарқанд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### *22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### *23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

#### **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.  
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масъулияти чекланган жамият.

#### **Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: [scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

Телеграм канал:

[https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

*Мамаражабов Бобир Нормўмин ўғли*

САУДИЯ АРАБИСТОНИДАГИ ЎЗБЕК МУҲОЖИРЛАРИ ТАРИХИ: МУВАФФАҚИЯТЛИ  
АССИМИЛЯЦИЯ ВА ЙЎҚОТИЛГАН МИЛЛИЙ ИДЕНТИКЛИК .....8-17

*Хайдаров Абдулходид Ахмадали ўғли*

XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА БОҒДОРЧИЛИК ВА  
ТОМОРҚАЧИЛИКДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ..... 18-22

*Назаров Азизбек Ёқубжонович*

ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИДА ИЛМИЙ ЖАМИЯТЛАР: ТАРИХШУНОСЛИК  
ТАҲЛИЛИ ..... 23-31

*Abdulloyev Jamshed Izzatulloevich*

MARKAZIY OSIYO MAMLAKATLARIDA CHEGARA VA SUV MUAMMOLARINING VUJUDGA  
KELISH ASPEKTLARI VA BUGUNGI RIVOJLANISH BOSQICHI ..... 32-36

*Пасилов Баҳодир Абдуллаевич*

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА СОВЕТ ИҚТИСОДИЁТИ АСОСЛАРИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ АЙРИМ  
МАСАЛАЛАРИ (1917-1937 йй.) ..... 37-41

*Ismailov G'afurjon Xasanovich*

TURKIYADAGI O'ZBEK TEKKE (TAKIYA)LARIDAN BIRI "SULTONTEPA TEKKESI"  
MUSOFIRLAR UCHUN TUTGAN O'RNI ..... 42-46

*Raxmatulloev Murodjon Xikmatulloevich*

BUXORO VILOYATIDA OMMAVIY AXBOROT VOSITALARI TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISHGA  
OID ISLOHOTLAR ..... 47-50

*Elmurodova Nilufar Baxtiyorovna*

SHARQ VA G'ARB UYG'ONISH DAVRI MADANIYATI: QIYOSIY TAHLIL ..... 51-55

*Нафиддинова Хосият Равшановна*

БУХОРО ВОҲАСИ АҲОЛИСИ ОИЛАВИЙ МАРОСИМЛАРИ ТАРИХИГА ДОИР  
МАЪЛУМОТЛАР ..... 56-60

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

*Zhang Hongzhi, Wu Bo*

RUMOR RESILIENCE: HOW BUSINESSES ECONOMICALLY RESPOND TO STOCHASTIC RUMOR  
SPREAD ..... 61-66

*Ibrayimova Dilnoza Abdisheripovna*

MINTAQADA OZIQ-OVQAT MAHSULOTLARI ONLINE SAVDO MARKETINGINI  
RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI ..... 67-72

*Nayimov Shoxruh*

PROBLEMS OF FORMATION AND MANAGEMENT OF COLLATERAL PORTFOLIO OF A  
COMMERCIAL BANK ..... 73-79

*Maxkamov Navruzjon Tuxtamishovich*  
ISSUES OF APPLICATION OF QUALITY MANAGEMENT IN THE SOCIO-ECONOMIC  
DEVELOPMENT OF ENTERPRISES AND ORGANIZATIONS FOR THE PURPOSES OF THE  
DEVELOPMENT STRATEGY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN ..... 80-88

*Рахматуллаев Беҳзод Рахматуллаевич*  
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР  
МАСАЛАЛАРИ ..... 89-95

*Abdullayeva Zamira Muxtarovna*  
MEHNAT BOZORI TALABLARIGA OLIY TA'LIM XIZMATLARI MODELLARINI  
MOSLASHTIRISH ..... 96-102

*Имомов Холмурод Норқулович, Шарипов Тўлқин Саидахмедович*  
ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШИШИ ШАРОИТИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ  
ШЕРИКЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАРИ, МОДЕЛЛАРИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИ ..... 103-114

*Эргашев Ахмаджон Махмуджон ўғли*  
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ РИСКЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА  
БОШҚАРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ..... 115-122

#### **09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

*Imotova Nozimaxon Avazxonovna*  
JAMIYAT FAROVONLIGI TUSHUNCHASI VA UNING O'ZIGA XOS IJTIMOY-FALSAFIY  
XUSUSIYATLARI ..... 123-129

*Qodirov Davronbek Hoshimovich*  
ABULQOSIM QUSHAYRIY VA UNING ILMIY FAOLIYATI ..... 130-133

*Jabborova Saodat Sattorovna*  
SHARQ MUTAFAKKIRLARINING MA'NAVIY SALOHİYATNI YUKSALTIRISHDA QO'SHGAN  
HISSASI ..... 134-142

#### **10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

*Tuxtasinova Mahliyoхon Shavkatjon qizi*  
L.Z.BUDAGOV LUG'ATIDA ESKI O'ZBEKCHA SO'ZLARINING EKVIVALENTLAR YORDAMIDA  
IZOHLANISHI ..... 143-149

*Narmuratov Zayniddin Radjabovich*  
INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA TA'LIM VA ILM MAZMUNLI FRAZEMALARDA EKVIVALENTLIK  
MASALASI ..... 150-154

*Urazaliyeva Mavluda Yangiboyevna*  
UZBEKCORPUS.UZ PLATORMASIDA MORFOLOGIK TAHLIL INTERFEYSI VA DASTURIY  
TA'MINOTI ..... 155-160

*Mirzayeva Yelena Sa'dullaevna*  
O'ZBEK MENTALITETI VA AXBOROTNI IDROK ETISH ..... 161-166

*Alimjanova Shohsanam Azamat qizi*  
INGLIZ TILIDAGI KO'P MA'NOLI IBORALARNI O'ZBEK TILIGA TARJIMA QILISH

USULLARI .....	167-171
<i>Iskandarova Shamsiyabonu Ulug'jonovna</i> BADIIY ADABIYOTDA MUALLIF VA TARIXIY QAHRAMON O'RTASIDAGI G'OYAVIY BOG'LIQLIK MASALASI (Laila Lalaming "Mavrning hisoboti" asari tahlili asosida) .....	172-176
<i>Hamroqulova Marjona Nabijon qizi</i> "MAHBUB UL-QULUB" ASARIDAGI FRAZEMALARNING SEMANTIK-USLUBIY XUSUSIYATLARI .....	177-181

### **12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР**

<i>Zulfikorov Sherzod Xurramovich</i> ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҚЎМИТА ВА КОМИССИЯЛАРИДА ДЕПУТАТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ .....	182-191
<i>Tallibaev Umiddjon Sherгазиевич</i> ОСОБЕННОСТИ ПРИВЛЕЧЕНИЯ К АДМИНИСТРАТИВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА ПРАВОНАРУШЕНИЯ В СФЕРЕ ИНФОРМАЦИИ. ....	192-199

### **13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

<i>Iminakhunova Iroda Huseynovna</i> THE MOST IMPORTANT REQUIREMENTS THAT ENSURE EFFECTIVE PEDAGOGICAL CONTROL OF STUDENTS' SELF-EDUCATIONAL ACTIVITIES .....	200-206
<i>Usmanaliev Khusniddin</i> INTERCULTURAL COMPETENCE IN THE TEACHING PROCESS OF A FOREIGN LANGUAGE .....	207-219
<i>Madaminov Uktam Ataxanovich</i> ELEKTRON TA'LIM MUHITIDA FANLARNI MOBIL TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA O'QITISH METODIKASI .....	220-224
<i>Yuldasheva Dilfuza Qodirovna</i> TURIZM YO'NALISHI TALABALARIGA INGLIZ TILIDA SOHAVIY LEKSIKANI O'RGATISH USULLARI .....	225-229
<i>Tohirova Shohsanam Yunusovna</i> THE IMPORTANCE OF CASE TECHNOLOGY IN PRACTICAL ENGLISH CLASSES IN NON- PHILOLOGICAL EDUCATIONAL INSTITUTIONS .....	230-236
<i>Nuriddinova Muyassar Muhiddinovna</i> ORGANIZING PHYSICAL EDUCATIONAL EVENTS WITH PRESCHOOL CHILDREN .....	237-242
<i>Raxmatova Mexrinovna Majitovna</i> YOSHLAR MA'NAVIY SALOHİYATINI YUKSALTIRISHDA INNOVATION TARG'IBOT TEXNOLOGIYALARINING SAMARADORLIGI .....	243-247
<i>Sheraliyev Odiljon</i> TALABALARNING DIGITAL KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK- PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI .....	248-254

07.00.00 – Тарих фанлари

**Хайдаров Абдулходид Ахмадали ўғли,**  
Наманган муҳандислик технология-институтини

**XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА БОҒДОРЧИЛИК  
ВА ТОМОРҚАЧИЛИКДАГИ ЎЗГАРИШЛАР**

**Аннотация.** Ушбу илмий мақола XIX аср охири – XX аср бошларида Фарғона вилоятида боғдорчилик ва томорқачиликдаги ўзгаришлар, хусусан, боғдорчиликда янги дарахт навларининг селекциясидаги ўзгаришлар, аҳоли миграциялари натижасида янги экин турларининг кириб келиши ва уларнинг маҳаллий томорқачилик хўжалигига таъсири ва турли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш билан анъаналардаги ўзгаришлар маҳаллий олимларнинг асарларига ҳамда архив фондлари материалларига таянган ҳолда ўрганилган.

**Калит сўзлар:** Фарғона водийси, Фарғона вилояти, қишлоқ хўжалиги, деҳқончилик, боғдорчилик, томорқа ерлари.

**Khaydarov Abdulkhodi,**  
Namangan engineering technology institute

**CHANGES IN GARDENING AND HOMESTEAD LANDS IN THE FERGHANA REGION IN  
THE LATE XIX-EARLY XX CENTURIES**

**Abstract.** This scientific article examines the changes in horticulture and budding in the Ferghana region in the late 19th – early 20th centuries, in particular, changes in the selection of new varieties of trees in horticulture, the introduction of new types of crops as a result of population migrations and their impact on local urbanization, as well as changes in traditions with the advent of new plant species. cultivation of various agricultural products based on the works of domestic scientists and archival materials.

**Keywords:** Ferghana Valley, Ferghana region, agriculture, agriculture, gardening, homestead lands.

**Хайдаров Абдулходид Ахмадали ўғли,**  
Наманганский инженерно-технологический институт

**ИЗМЕНЕНИЯ В САДОВОДСТВЕ И ПРИУСАДЕБНЫХ ЗЕМЕЛЬ В ФЕРГАНСКОЙ  
ОБЛАСТИ В КОНЦЕ XIX-НАЧАЛЕ XX ВЕКОВ**

**Аннотация.** В этой научной статье исследуются изменения в садоводстве и почковании в Ферганской области в конце 19–го - начале 20-го веков, в частности, изменения в селекции новых сортов деревьев в садоводстве, интродукция новых видов сельскохозяйственных культур в результате миграций населения и их влияние на местную урбанизацию, а также изменения в традициях с появлением новых видов растений. выращивание различных сельскохозяйственных продуктов, основанной на трудах отечественных ученых и архивных материалах.

**Ключевые слова:** Ферганская долина, Ферганская область, сельское хозяйство, земледелие, садоводство, приусадебные земли.



DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I6/SY2023N02>

1876 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида ташкил этилган Фарғона вилоятининг ўзагини ҳам Фарғона водийси ташкил қилган. Россия империяси томонидан Ўрта Осиёнинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга уринишлари сабаб Фарғона водийси ҳам ҳукумат доиралари ва кўплаб тадқиқотчиларининг эътиборини тортган. Чунки бу ерда ерга ишлов бериш, донли экинларни етиштириш, уларни сақлаш ва қайта ишлаш, ва кўплаб ҳолатлар борасида бой анъаналар шаклланган. Ушбу жараёнлар водийда қишлоқ хўжалигининг кундалик турмуш тарзида муҳим аҳамият касб этиб, табиий-географик шароит деҳқончилик тараққиётига имкон яратган. Шу боисдан Фарғона вилоятида ўтроқ аҳолининг кўпчилиги ўзларининг томорқаларида боғдорчилик билан шуғулланганлар. Азалдан боғларда, ўрик, шафтоли, олма, нок, анор, гилос, олхўри, олча, грек ёнғоғи, беҳи ва узумлар етиштирилган. Мевали дарахтларнинг олма, шафтоли, олча, гилос, ўрик, жийда, ёнғоқ, нок, узум каби турлари Россия империяси давридаги манбаларда ва ўлкада бўлган сайёҳларнинг асарларида тез-тез тилган олинган. Уларда боғдорчилик учун иқлимнинг яхши бўлиши билан бирга, яхши ривожланганлиги кўп бора таъкидланган. Лекин шунга қарамасдан маҳаллий маъмурият томонидан аҳолининг мазкур соҳани такомиллаштириш усулларида беҳабарлиги боғдорчилик соҳасини ривожлантиришга тўсқинлик қилиши қайд этилади[1; 3 б]. Шу билан бирга ипак қурти боқишда тутлардан фойдаланилганлиги, толь, терак, қайрағоч кўп учраши ва аҳоли томонидан бундан қурилиш материали сифатида фойдаланиш учун томорқаларда кўплаб экилганлиги ҳам тилга олинади[2; 31 б].

Маҳаллий аҳолида мевали дарахтларни экиш учун алоҳида ҳудуд ажратилмаган. Дарахтларнинг орасида маълум масофа сақлаш қоидаларига ҳам риоя қилинмаган. Ўртача ҳар бир хўжалиқда мевали дарахтларнинг сони 15-20 тадан ошмаган. Аксарият ҳолларда ўтқазиладиган кўчатлар бозордан сотиб олиниб, баъзи ҳолларда ўзларининг махсус жойларида кўчатлар етиштирилиб, кейин бошқа жойларга етказилган. Бундай жойлар одатда қовун экиладиган экин майдонларида ташкил қилиниб, ёш кўчатлар 2 йил йил ушлаб турилиб, кейин бошқа жойларга ўтқазилган[2; 31 б]. Пайванд қилиш эса одатдагидек март-май ойларида олиб борилган.

Пайванд қилинадиган асосий дарахтлар олма, ўрик, шафтоли, олхўри, нок, гилос ва тут ҳисобланган. Пайванд эса одатда “найча” ва “ёрма” усуллари орқали амалга оширилган. Харидорлар бозорда асосан бир йиллик, кам ҳолларда эса икки йиллик кўчатларни сотиб олишни афзал кўрганлар. Ўрик кўчатларининг бир йиллиги 5 копейка, икки йиллиги 10 копейка бўлган. Бир йиллик шафтоли 1,5 рубль, бир йиллик олма кўчати 1,5 рубль, икки йиллик боғламлари эса 2 рублни ташкил қилган[1; 12 б].

Фарғона вилоятида мевали дарахтлардан кенг тарқалгани ўрик эди. Ўрикларнинг асосий 3 хил нави бўлган. Биринчиси “Оқ ўрик” нави бўлиб, 1 пуди 60 копейкани ташкил қилган. Қантак ўрик эса пуди 1,6 рублга тенг бўлган. Суберак (исфара) ўрик нави бошқалардан кўра майдароқ бўлиб, асосан қуритилган ҳолда пуди 1.6 рублга сотилган[1; 13 б].

Шафтолининг эса қуйидаги турлари етиштирилган: Оқ шафтоли – мевалари оқ, ўртача нархи катта пуди учун 40-50 копейка бўлган. Ола шафтоли меванинг ёни қизғиш

бўлиб, аввалги навга қараганда кичикроқ бўлган, нархи эса бир хил. Анжир шафтоли – меванинг ранги оқ бўлиб, ранги узумникига ўхшаш бўлиб, нархи бир пуди учун 60-копейка бўлган. Шафтоли дарахти учинчи йилдан ҳосилга кириб, тўртинчи йилдан яхши ҳосил берган. Ҳосилдорлик 7-8 йил давом этган[1; 13 б].

Ўрик ва шафтолиларнинг катта қисми ёзги пайтда хонадонларда қуритилган. Қуритилган меваларни сақлашдаги ягона усули қуруқ хоналарда сақлаш эди. Баъзи хўжаликларда катта миқдордаги қуритилган мевалар етиштирилгани учун махсус хоналар ҳам қурилган. Бошқа хоналардан фарқли равишда уларда ҳаво айланиши учун ён ва тепа тарафлардан махсус тешиклар қолдирилиб, кераксиз пайтда улар беркитиб қўйилган. Бу усул ҳозирги кунгача Фарғона водийсининг айрим ҳудудларидаги қишлоқларда сақланиб қолган. Қуритилган меваларнинг катта қисми ички бозорларда сотилган. Бир қисми эса Шарқий Туркистон, қозоқ даштига туташ ҳудудлар ва Туркистоннинг йирик шаҳарларига жўнатилган. Ўрта Осиё Россия империяси томонидан босиб олиниб, Фарғона вилояти ҳарбий губернаторлиги ташкил қилинганидан сўнг қуритилган ўрик ва шафтолилар Россияга фаол равишда жўнатила бошланган. Хусусан, 1887 йили Россияга жўнатилган қуритилган ўрик ва шафтолилар 100 минг рубль миқдоридаги 40 минг пудни ташкил қилган[4; 26 б].

Боғдорчиликнинг айниқса, узумчилик тури Фарғона вилоятида кенг ривожланган эди. Одатда ҳар йили узумдан 2000000 пуд миқдорда ҳосил етиштирилган. Узумнинг вилоятда 20 га яқин нави бўлиб, уларнинг энг яхшиси кишмиш, унда 20% дан 22% шакар бор, кейин қора чарос. Узум боғлари майдони 1887 йили вилоятда 15000 десятирани ташкил қилган Россияга 50 минг пуд, суммаси 100 минг сўмга яқин миқдорда маҳсулот чиқарилган эди[4; 27 б].

1896 йилда узумчилик майдонлари 6400 десятирани ташкил қилиб, улардан 1 382 000 пуд узум етиштирилган. Етиштирилган узумнинг жуда оз қисмигина вино ва спирт учун қайта ишлашга жўнатилиб, қолгани мева ва майиз кўринишда истеъмол учун тайёрланганлиги кўрсатилган. Узумчилик учун асосан Марғилон, Қўқон ва Наманган уездларида кўпроқ ерлар ажратилиб, юқори ҳосил олинган. , Андижон уездида бўлса узумчилик учун 285 десятина ер ажратилган бўлиб, у ерлардан 68700 пуд ҳосил олинган. Андижондаги ҳар бир десятина ердан олинган узум ҳосили 241 пудга тўғри келиб, мазкур ҳолат Марғилон уездида 119 пуд, Қўқон уездида 158 пуд, Наманган уездида 324 пуд, Ўш уездида бўлса 49,6 пудни ташкил қилган[4; 29 б]. Шу билан бирга фақатгина Наманган ва Андижон уездларида етиштирилган узумлар вино учун қайта ишлашга жўнатилган. Қолган уездларда эса бунга эътибор берилмаган ёки виночиликка мослашган узум навлари етиштирилмаган. Шу билан бирга ўлкадаги империя маъмурияти томонидан виночилик Фарғона вилояти учун ўта янги ишлаб чиқариш соҳаси эканлиги ҳам қайд қилинган[12; 31 б].

1897 йили узум етиштирилган майдонлар 5921 десятирани ташкил этди. Ҳосили эса 1.555522 пудга етиб, 1 десятина ерга 262 пуд тўғри келди[4; 27 б].

1899 йили 6363 десятина ердан 1686564 пуд узум етиштирилди. 1905 йилда Фарғона вилоятидаги боғ ва узумзорлар 15961,4 дес ташкил этди, 8143 десятина узум ва 7017,9 десятина мевазорларга тўғри келган[4; 27 б].

Таъкидлаш лозимки, узум етиштириш катта машаққатлар эвазига амалга оширилган. Чунки турли касалликлар унга доим йўлдош эди. Мазкур фикрларни вилоят

статистика қўмитаси маълумотлари ҳам тасдиқлайди. Жумладан, вилоятда узум экилган майдонлар – 7431 дес. ни ташкил қилиб, улардан хон чилгиси ва хусайни турига шира ва шўр тушганлиги қайд этилган[5; 31 б].

XX асрнинг бошларида Фарғона вилоятида пахтачилик майдонлари кенгайиб, қишлоқ хўжалигида бошқа экин майдонларининг улуши қисқариб борган бўлса ҳам боғдорчиликда қуруқ меваларни етиштириш ҳажми камаймади. Аксинча, йилдан йилга кўпайиб борганлигини кўриш мумкин. Хусусан, 1907 йилда Фарғона вилоятидан Россия империясининг бошқа ҳудудларига 358.856 пуд миқдордаги қуруқ мева экспортга чиқарилган[7; 39 б]. Бу эса 1906 йилга қараганда бирмунча кам эди. 1906 йилга нисбатан кам юборилганлигига сабаб, 1905-йил темир йўл ходимлари иш ташлаш уюштиришган ва шунинг учун юklar 1906 йилда жўнатилган. Шундай бўлса ҳам Туркистон генерал-губераторлигининг бошқа ҳудудларига қараганда қуритилган меваларни экспорт қилиш ҳажми кўпроқ эди. Бу юқорида рус сайёҳ олими В.И.Юферев томонидан қайд қилинганидек, меваларни асосан уй хўжаликларида етиштирилиши ҳамда уларни қўшимча даромад манбаи сифатида қараб, дарахтларга яхши ишлов берилгани натижаси эди.

Фарғона вилоятдан Россия империясининг бошқа ҳудудларига жўнатилган қуруқ меваларнинг ҳажми 1909 йили – 436403 пуд, 1910 йили эса 255584 пудни ташкил қилган[9; 54 б].

Фарғона вилоятида боғдорчиликни ривожланганлиги бу ерларда катта миқдордаги асал етиштириш имконини ҳам берган. 1907 йилда Фарғона вилоятида 3239 пуд миқдорда асал олинган. Унинг ўртача баҳоси 1 пуд учун 8-10 рублдан баҳоланган[9; 55 б].

Фарғона вилояти аҳолиси ўзларига тегишли хўжаликларида турли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш билан ҳам кенг шуғулланганлар. Фарғона вилоятида бўлган рус тадқиқотчилари ва маъмурият вакиллариининг ҳисоботларида маҳаллий аҳоли томонидан асосан 13 турдаги томорқа маҳсулотлари етиштирилиши кўп бора тилга олинган. Шу билан бирга ҳисоботларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини турларига кўра қуйидагича берилган: полиз ўсимликларидан – қовун, тарвуз, бодринг ва қовоқнинг турли навлари, илдиз мевалилардан – сабзи, редиска, турп, шолғом, сачратқи, лавлаги ва ерқалампир, тугунакли илдиз мевалилардан – картошка, сабзавотлардан – гулкарам ва сарсабил (кўп йиллик сабзавот ўсимлиги), баргли сабзавот ўсимликлардан – карам ва коху (кўкат ўтлардан бири), ўткир таъмли ўсимликлар – рўян, пиёз, саримсоқ, шивит, қалампир ва бошқалар. Шуни таъкидлаш керакки, рўйхатда келтирилган баъзи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари Фарғона водийсида авваллари етиштирилмаган. Уларнинг рўйхатда берилиши ўлкада рус қишлоқларининг пайдо бўлиши, Шарқий Туркистондан уйғур, дунган ва бошқа элатларнинг кириб келиши билан билан боғлиқ бўлган. Бу каби жиҳатларга эса вилоят маъмуриятининг ҳисоботларида етарлича эътибор қаратилмаган.

1887 йилги Фарғона вилоятининг томорқачилик билан банд бўлган майдони ҳисобот йилида 10.245 десятинали ташкил қилган[2; 26 б]. Полиз экинлари экилган майдонлар сони – 15700 десятинали ташкил қилиб, қовун ва тарвуз 1 десятина ўртача 2000 та ҳосил берганлиги таъкидланади[2; 28 б]. Ҳисоботларда қовун ва тарвузнинг ҳосилига алоҳида эътибор қаратилиши уларнинг катта миқдорда Туркистон генерал-

губернаторлиги турли вилоятлари ва қўшни қўшни ҳудудларга экспорт қилиниши билан боғлиқ эди.

1896 йилдаги Фарғона вилояти бўйича ҳисоботларда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳажми 1895 йилга нисбатан 717,568 пудга кўпроқ эканлиги эътироф этилган[8; 62 б]. Шунингдек, донли экинлардан ташқари пахтачилик, беда, тамаки, сабзавот ва турли илдизмевали маҳсулотлар етиштирилиши ҳам бирмунча юқори бўлган. Етиштирилган беда асосан отларга озуқа сифатида ишлатилган. Тамаки асосан маҳаллий аҳоли томонидан истеъмол қилинсада, бир қисми Қашқарга ҳам олиб чиқилган. Зиғир ва кунжут асосан ёғ олиш учун ишлатилган. Сабзавотлардан қовун, тарвуз, бодринг, карам, илдизмевалардан сабзи, лавлаги картошка ва турп етиштирилган.

Умуман олганда боғдорчилик ва томорқачилик Фарғона водийси аҳолисининг энг асосий даромад манбаларидан бири бўлиб қолган. Айниқса, вилоятда пахта майдонларининг кенгайиб бориши ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришга ажратилган ер майдонларининг камайиб бориши шароитида унинг аҳамияти ортиб борган. Полиз маҳсулотларининг айрим турлари ва қуритилган меваларнинг турли ҳудудларга экспорт қилиниши ортидан уларга ҳам алоҳида аҳамият қаратилган. Бироқ боғдорчиликда аксарият маҳаллий навлардан фойдаланилиши, об-ҳаво ва турли касалликларга чидамли дарахт навларини ўзлаштиришга эътибор қаратилмаганлиги унинг бошқа қишлоқ хўжалиги йўналишларидан орқада қолишига сабаб бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, Фарғона водийси мазкур даврда боғдорчиликда аввалги анъаналар сақланиб қолиши баробарида қатор ўзгаришлар ҳам юз берди. Бу ҳолат тармоққа янги навларнинг кириб келиши билан изоҳланади. Шу билан бирга аҳоли ўз томорқаларидан ҳам унумли фойдаланиши оқибатида ҳудуддан катта миқдорда мева ва сабзавотлар экспорт қилинган.

### **Адабиётлар/Литература/References:**

1. Обзор Ферганской области за 1887 год. – Новый Маргелан, 1889.
2. Обзор Ферганской области за 1892 год. – Новый Маргелан, 1889.
3. Обзор Ферганской области за 1896 год. – Новый Маргелан: Типография Ферганского областного правления, 1898.
4. Обзор Ферганской области за 1897 г. – Новый Маргелан, 1899.
5. Обзор Ферганской области за 1904 год. – Новый Маргелан: Типография Ферганского областного правления, 1905.
6. Статический обзор Ферганской области за 1905 г. – Скобелев, 1908.
7. Статистический обзор Ферганской области за 1907 год. – Скобелев, 1909.
8. Юферев В.И. Хозяйство сартов Ферганской области. – Ташкент, 1911.
9. Статистический обзор Ферганской области за 1910 год. – Скобелев 1912.

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 5/6 (3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).